

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 55 (6. 544)

1988 йил 7 март, душанба

Баҳоси 3 тийин

Совет хотин-қизларидан миннатдор Ватан

МОСКВА

Баҳор билан бирга ёрқин байрам — Халқаро хотин-қизлар куни 8 Март ҳам одамларни хушнуд этиб келади. Совет хотин-қизлари қандай миллатга мансуб бўлмасин, уларнинг тақдир Ватан, бутун халқ тақдиринан ажралмасдир.

5 март куни Москвада, ССР Иттифоқи Большой театрида партия, совет ва жамоат ташкилотлари вакиллари Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилиш ахли М. С. Горбачев, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никитин, Н. Н. Слюньков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Ю. Д. Маслюков, Г. П. Разумовский, Н. В. Талезин, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов, А. П. Бирюков, А. И. Лукьянов, И. В. Капитонов ўртоқлари қарсақлар билан кутиб олди.

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ҳарбий бошлиқлар, ил-ғор ишчи аёллар, фан ва аданият арбоблари ҳам резидиумдан жой оладилар.

КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари А. А. Низонова партия Марказий Комитетининг Совет хотин-қизларига табринома-сини ўқиб эшиттирди, бу табринома узок давом этган қарсақлар билан кутиб олди. У совет хотин-қизлари шанига сидқидилдан самимий сўзлар айтилганлиги учун, уларнинг меҳнати ва социал ролига юксак баҳо берилганлиги учун, КПСС Марказий Комитети, унинг Сийёсий бюроси Ватанинг шонли хотин-қизлари самарали ишлари ва дам олиши учун, бахтиёр оналик учун зарур шароитлар яратишда доимо ғамхўрлик қилаётганликлари учун йиғилиш ахли номидан КПСС Марказий Комитетига чуқур ташаккур ва миннатдорчилик изҳор этди.

ТОШКЕНТ

Мана шу март кунларида биз она юртимизда ниҳоятда файзли умумхалқ байрамларидан бири — 8 Март Халқаро хотин-қизлар кунини нишонлаймиз. Советлар мамлакатига она, меҳнаткаш аёл эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эгадир. Болаларни тарбиялаш, меҳнат ва ижтимоий ҳаётда қатнашиш учун хотин-қизларга қўлай шарт-шароит яратилган. Ватанимиз шонли хотин-қизларининг фидокорона меҳнати, уларнинг оила ва рўзгор тебратилишига тadbиркорлиги, ижтимоий фаоллиги, оналик меҳр-муҳаббат ва самимияти бутун халқимизнинг чексиз ҳурмат-эҳтиромига сазовордир.

5 март куни Тошкентда Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан республика пойтахти жамоатчилиги вакиллари таънавали йиғилиш бўлиб ўтди.

В. И. Ленин номи СССР халқлари дўстлиги саройининг байрамона безилган залига партия, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ишлаб чиқариш илгорлари, фан ва аданият арбоблари таъриф буюрдилар. Улар байрам арафасида республикамизнинг аҳоли меҳнаткаш аёлларига ўз ҳурмат-эҳтиромини изҳор этиш учун бир ерга келдилар.

— Владимир Ильич Лениннинг хотин-қизларни социал жиҳатдан озод қилиш тўғрисидаги йўл-йўриқларига қатъий амал қилаётган Коммунистик партиямиз ва Совет давлати аёлларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш учун кўп иш қилди, — деб таъкидлади кириш сўзида Ўзбекистон касабаси союзлари рес-

публика Советининг раиси Х. Алимова, — Хотин-қизларимиз бутунги кунда халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида ғайрат-шижоат билан самарали меҳнат қилмоқдалар. Партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини бажаришга, ёш авлоднинг ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг актив иштирокисиз революцион ўзгаришларда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Ҳамза номли Ўзбек давлат академик драма театрининг актёри СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати З. Мухаммад-жонов, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, Ленин ордени нишондори, СССР Давлат мукофоти лауреати В. М. Харитонова, Тошкент районидagi К. Маркс номи колхоз раиси Р. А. Абқаров, интернационалист жангчи, Қизил Байроқ ордени нишондори Г. В. Удовиченко, Ўрта Сиб медицина педиярия институтини бешинчи курс студенти А. Нуриддинов, Тошкентдаги 22-болалар уйи директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. П. Хлебшукина хотин-қизларнинг мамлакат, республика, ҳар бир совет кишиси олдидаги катта хизматлари тўғрисида гапирдилар. Нотиқлар СССРда, бошқа социалистик мамлакатларда хотин-қизлар масаласининг муваффақиятли ҳал этилганлиги халқаро ишчи-лао ҳаракатининг янада ри-

тик хотин-қизлар жамоатчилиги 8 Мартни «Ўртача ва камроқ олислик ракеталари юзасидан тузилган Шартнома ратификация қилиниши учун! Ядросиз дунё бўлсин!» деган шiorлар остида нишонламоқда. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сийсий активлиги хотин-қизлар ҳаракати доирасидан ортиб кетди. Улар парламент аъзолари, олимлар, врачлар, маданият арбоблари ҳаракатида, экологик бирлашмаларда, дўстлик ҳаракатида қатнашмоқдалар.

Совет хотин-қизлари билан социалистик мамлакатлар хотин-қизлари ўртасида дўстлик ришталари юракдан-юракка тортилди. Биз социализмининг бунёдкорлик имкониятларидан тула фойдаланиш учун қўлни-қўлга бериб ишлаймиз.

Совет кишининг қалби шундайки, у бошқа халқлар кулфатларига бефарқ қаролмайди. Хотин-қизларимиз учун Фаластин, Африка, Никарагуа хотин-қизларининг оғир кулфатлари умумий кулфатдир. Жанубий Африка ва Чили оналарининг ғам-ғуссаси — бизнинг ҳам ғам-ғуссамиздир.

Совет хотин-қизлари, деди ливорарида В. В. Терешкова, — жамиятни революцион янгилашга салмоқли ҳисса қўшиб Бутуниттифок XIX партия конференциясини меҳнатда янгиладан-янгидан кўп билан кутиб оладилар.

СССР халқ артисти В. С. Лановой совет хотин-қизларига табрик сўзи айтди.

Ёш пионерлар ва мактаб ўқувчиларининг катталарга табрик сўзлари ҳар қачонгидек баҳор байрамида бўлиб келгани сингари шундан ва порлоқ бўлди.

Сўзга чиққанлар Москва хотин-қизлари, меҳнаткашлар партия белгилаб берган режаларни амалга ошириш учун куч-ғайратларини аямидилар, тинчлик ишини шавкатли меҳнатлари билан мустақамлайдилар, деб КПСС Марказий Комитетига, Марказий Комитет Сийёсий бюросига, Совет ҳукуматига ваъда бердилар.

(ТАСС).

вожланишига қудратли омил бахш этганлигини таъкидладилар. Қаерда яшайганидан қатъи назар, оналар учун мусавфо осмонни қўриб туртишдан, болаларнинг хуш-чақчақ куллисини эшитишдан орттироқ бахт-саодат йўқ. Шунинг учун ҳам аёллар империализм қўрқолидан олдираётган қўрқолиниш пойғасига қарши чиқмоқдалар. Совет Иттифоқининг ядро уруши хавфини бартараф этишга қаратилган янги тинчлик ташаббусларини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар.

Шу билан бир қаторда, деб таъкидланди йиғилишда, аёллар проблемасини ҳал этиш борасида эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда республикада оналик ва болаликни муҳофаза этиш соҳасида ҳали камчиликлар ҳам бор. Жамиятимиз ҳамма жабҳаларини янгилаш жараёнида хотин-қизларнинг маънавий имкониятларидан тулроқ фойдаланиш учун янада кўп иш қилиниши керак.

Йиғилиш ахлини болалар кутлашди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Н. Нишонов, Т. А. Алимов, В. П. Анишов, В. А. Антонов, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Г. Х. Қодиров, В. Н. Лобко, Н. И. Попов, М. Х. Холмухамедов, Б. Ф. Сатин, В. А. Хайдуров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. Х. Мамададалиев, В. В. Сударенков, С. У. Султонова иштирок этидилар.

(ЎзТАГ).



Байрамингиз қутлуг бўлсин, азиз оналар, қадрли опа-сингиллар!

Чорлаганда инкилоб-офтоб...



Асрларнинг зулмати синаб бардошингизни, Яради озодликдан мангу барҳайт гош.

Инкилобнинг офтоби ариди ёшингизни, Дадил туриб эрингизни қилбодингиз ҳимоя.

Об-ҳаво ва саломатлик

7 МАРТАН 13 МАРТАГА
Н. А. Семашко номдаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг илмий раҳбари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н. М. Маждов тахрири остида.

Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига қараганда ҳафта мобайнида об-ҳаво ўзгариб туради. Айрим кунларда циклон ўтиши муносабати билан ёмғир ёғади.

Ҳафтанинг биринчи ярмида ҳарорат кечаси 0—5, кундузи 5—10 даражагача пасаяди.

Ҳафтанинг иккинчи ярмида кунлар бироз исийди. Ҳарорат кечаси 5—10, кундузи 16—21 даражагача кўтарилади.

Об-ҳавонинг ҳафталик ўртача ҳарорати одатдаги нормадан бирмунча юқори бўлади.

Н. А. Семашко номдаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг маълумотларига қараганда циклон ўтиши муносабати билан об-ҳавонинг ўзгариши айрим тоифадаги беморларга қисқа муддатли салбий таъсир этиши мумкин. Жумладан, юрак

ишемик хасталиги, қон томир ва бош мия шомоллаши, бўгин хасталиги бўлган беморлар ўзларини нохуш сезишлари мумкин.

Юрак-қон томир хасталиги бўлган об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан беморлар профилактика мақсадида даволоччи врачнинг тавсияси билан артериал қон босимини ростловчи препаратларни қабул қилишлари лозим. Бўгин ва асаб системаси хасталиклари бўлган беморлар оғриқ-

ни қолдирувчи препаратларни қабул қилишлари керак. Шу билан бирга жисмоний зўриқини, стационар ҳада амбулаторияларда, даволабган беморлар бальнеологик терapeвтика чора-тадбирларини чеклашлари зарур.

Ҳафтанинг бошқа кунлари об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан беморлар кишиқши машқларини давом эттиришлари, ҳаёси даволовчи врач назорати остида бўлишлари керак.

Сен борсан тилимда шукрона, Сен борсан қадимим мардона, Шодлигинг чегара билмасини, Сен — фарзанд, сен — дилдор, Сен — она!

Темур УБАЙДУЛЛО.

Мухтарам аёл

Гул Бахт! Саодат! Сен шу уч сўзининг йгона тим-солисан, Мухтарам Аёл! СЕНИНГ БИР НОМИНГ — ГЎЗАЛЛИК!

Жаҳоннинг ҳамма ерига мабодо турфа гуллар экилса-ю, шу гуллар чаппар уриб очилса, олам бутун гулшанга айланиб, барча ёмонликлар муаттар ҳидларга қўмилиб кетганда ҳам Ёр сени гўзал бўлди, дея айтмас эдим. Чунки, шу гуллар аро сен бўлмасанг, сен сарвадк қоматининг, офтобдек жамолингни қўз-қўз қилмасанг, бир олам гўзаллик кимга татийди?

СЕНИНГ БИР НОМИНГ — МУҲАБАТ!

Бир жуфт қора кўзлар йиғитлар қалбига ташлаган учқуннинг қудрати нималарга қодирлиги ҳақида шiorлар то ҳануз ўтли назмлар битадилар. Шу учқун не-не йиғитларни жасорат сари йўллади. Шу учқун туфайли мағрур бошлар сенин қаринида эгилди. Сен эриқлар султони бўлдинг, оташин муҳаббат соҳибаси!

СЕНИНГ БИР НОМИНГ — САДОҚАТ!

Лайиллар, Зухролар, Ширину Кумушбиллар мадҳи тиллардан-тилларга ўтиб қуйланади. Уларнинг вафодорлиги шiorларнинг қаламидан дурлар тўктирган.

Зояларнинг, Майналарнинг, Зеболарнинг садоқати-чи? Уларнинг юрагига энг улуг муҳаббат — Ватан муҳаббати жўш урганди. Ушбу садоқатни эса алвон байроқ қилгуликдир!

СЕНИНГ БИР НОМИНГ — ЖАСОРАТ!

Юрагингда ёниқ муҳаббат, чексиз садоқат борлиги учун жаҳонларда дадил парвоз қилдинг. Номин эларо дoston бўлган Мамлакатлар, Хурматойлар, Меҳринсолар, Турсуноларнинг меҳнат жасоратларини халқимиз ҳеч қачон унутмайди. Улар бор меҳрини она-Ерга бердилар, она-Еримиз эса уларнинг кўксига юлдуз тақди. Ҳатто, улар жасоратига юлдузлар ҳам ҳазинга келди.

СЕНИНГ БИР НОМИНГ — МАТОНАТ!

Жанг майдонларидан қайтмаган арслон келбатли ёрини кутиб сочи оқарган сен-ку, ахир! Ўз ёрига солиқ қолиб, умрини унинг ёди билан ўтказган сен-ку, ахир! Ўзга аёллар набирасини кучиб эрналаганда, тунлари кўз ёшидан оқиб кетган сен-ку, ахир! Сенин сочингдан ҳар бир нуқра толаи оқартирган ғуссанг, сенин тортиган бир оҳингнинг дардини кўтаришга алп тоғлар ҳам тоҳида онқилик қилади. Сен Ватан учун қурбон бўлган жасоратини ўз матонатинг билан ардоқлаб келясан!

СЕНИНГ БИР НОМИНГ — ОНА!

Гўзаллик, Муҳаббат, Садоқат, Жасорат, Матонат биргина шу сўзга ифодаланган. Агар келажакда ОНА бўлмасайдинг сенин Муҳаббатинг нурсиз, Садоқатинг бемаъсад, Жасорат ва Матонатинг бемаъсад бўлмасмиди? Оналигини туфайли табиат ўз бахтини сенин қўлларингга, қўшини юрагингга жо этган.

СЕНИНГ БИР НОМИНГ — ҲАЁТ!

Сувлар тоғдаги қорлардан бошланганидек, Ҳаёт ҳам сендан бошланади, Ҳазрати аёл! Шунинг учун ҳам Ҳаёт, инқоб, истиқбол деганимизда сен қўз олдимизда қад ростлайсан.

МУҲТАРАМ АЁЛ!

Ҳаётимизни шунчалар дилбар, шунчалар серфайз этганини учун сенга ер ўлиб таъзим қиламиз. Олам чехрангдек жилвагар, олам қалбидек мушфиқ, шифақатли бўлиб абадий яшайверсин.

Сенин жумла жаҳонда бор бўлган олийжаноблик мужассам сиймоингга асло-асло ғубор қўйма-син!

Сен борсан тилимда шукрона, Сен борсан қадимим мардона, Шодлигинг чегара билмасини, Сен — фарзанд, сен — дилдор, Сен — она!

Темур УБАЙДУЛЛО.


Тонгги газеталарда

▲ СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети билан ВЦСПС меҳнат коллективлари кенгашларини сайлаш, раҳбарлар сайлови ҳамда давлат корхоналари (бирлашмалари) йўтаҳассиллик тавозинларига конкурслар ўтказиш тартиби тўғрисида тавсияномаларни тасдиқлади.

Кечаги тонгги газеталарда мақкур тавсияномаларнинг тўлиқ тексти, шунингдек, «СССРдаги кооперация тўғрисида» Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Қонунининг лойиҳаси эълон қилинган.



Она — Куёш, фарзандлар—Юлдуз...



Ҳар нисолнинг боғбони бўлар турмушда албат,
Маъсум гўдак нисоҳи, сизга мудом қаддиган,
Сиз — келажак онаси, сиз — умримизга зийнат,
Аёл қадим-қадимдан келмак деб эътибор.

Байрам фотоплакатларини фотомухбири-
миз Тўлқин КАРИМОВ тайёрлади.
(Архив суратлари Ўзбекистон ССР халқлари
музейи ва соғлиқни сақлаш музейидан олин-
ди).

ҚОДИРЖОННИНГ ҳа деганда уйқуси келармади. У пи-
шллаб ўхлаган хотинига термиларкан, совға олган
қўйлакни эрталаб топширсамми, ёки меҳмонлар келганда-
ми, деб ўйларди. Чунки, 8 Март уларда қўшалоқ байрам:
худди шу кунини Дилоромхон билан қўйларни ҳам бўлган.
Тонгда Дилоромдан барвақт уйғониб, ҳафсала билан ювни-
ди. Соқолини олиб, зулукдек қуюқ мўйловини маликан ди-
лоромига ҳақидан қилиб тарашлади. Кейин аста хиргойи
қилиб тохонага ўтди. Дилором йўқ. Аллақачон ўз меҳнат
постиға — ошхонага ўтиб олибди.
— И-и-и, хоним, бизни кечирадилар. Бугун сизнинг ўрни-
нгиз у ёқда, тошойна олдиди. Қамини қўлингизга эса ошхона-
ни топшириб қўйсиз, — деди у тавозе билан.
— Адақониси, шу ўзингизми, бирим очилиб кетибсиз. Ай-
ниқса, мўйловларингиз...
— Қўзинг дарров мўйловга тушади-а! Эсимда, аслида мўй-
ловимга ошқ бўлиб теккансан. Офарин, шу мўйловга!
Қодиржон бир зумда ичкаридан алланима кўтариб чиқди.
— Мана, — у қозғони очиб тўқ қизил велюр қўйлакни хо-
тинига кўз-қўлади.
— Вуй, бунча чиройли! Кўпдан бўён айтишга ботинолмас-
дим! — шахло кўзлари қачнаб кетди Дилоромнинг.
— Ширин-шакар ўғилчаларга ота қилиб ҳам ўйимни, ҳам
бағримни тўлдирганинг учун бу сенга, азизам. Қани энди бу-
ни бир қийиб кўрсанлар-чи.
— Раҳмат, адақониси, раҳмат. Ўзинга ўлчаб тиккандай-а.
Агар Дилбархон кўрса борми... — кўзларини сузди қўйлаги-
ни қийиб чиққан Дилором.

Бир мўйловга пишган ош

Ҳажвия

— Мана сенга концертга иккита билет. Шу қўйлакни қийиб
театрга борсан. Қамини хизматга астойдил бел боғлаган,
— ҳазил аралаш қўшалоқ қилди Қодиржон.
— Йўғ-е, ахир меҳмонларини айтиб қўйганимиз-а, тайёргар-
чилигим...
— Эа, қанақа яхшилик ёқмаган хотинсан! Эриб турганим-
дан фойдаланиб қолсанг-чи, айтдим-ку сенга, бўғини бо-
пайман, деб. Мўйловининг ҳаққи ҳўрмат, бугунги зийфат
хизматини, дастурхонини кутганингдан аъло қилиб бераман.
Дилором Дилбарга телефон қилиб сўночи олди.
— Аввал, саратрохонага, кейин... — деди у эрига сирли
қараб.
— Бугунги кун ихтиёригизда. Уйдан тезроқ чиқиб кетсанг
бўлди, — шошилтирди Қодиржон.
— Намунча ҳайдадингиз! Тагин мени кетказвориб ўзингиз...
— Дилором ҳаёлига келган фикрдан чўчиб, сумкасини ди-
ванга отиб юборди. — Ҳеч қайқа бормайман, вассалом!
— Жон, хотинжон, борақол, мени шарманда қилма. Уртоқ-
лар билан шартлашганимиз, бугун барча маликаларга озод-
лик. Ҳали концертга борсанг, ҳамма охиралигин билан уч-
рашсан.

Дилором бошини сарак-сарак қилганича болалар ётоқхо-
насига аста мўралади-да, қийиб кетди.
— Уфф... — енгил нафас олган Қодир дарҳол «Хизмат —
беминнатинг» телефон номерини терди: — Ҳа, мен Қо-
дир Самадовман. Кетишди дейсизми. Жуда яхши. Ҳаржия-
лар рўйхатини ёзиб бергандим. Бўпти. Йўқ, майли ҳеч қиси
йўқ. Паловхонларини ўзим қотириб ташлайман, — Қодиржон
трубкани қўйгач илдам ошхонага кириб, белига хотинининг
фартугини боғлади. Сабзи тўрашга киришди. Шу чоқ эшик
қўнғирроғи жиринглади...
Қодир ёрамчиларини кузатиб қўйгач, бқиллаб қайнаб
турган қозоннинг оловини кўтариб, туроч солди. Кутилма-
ганда олов лоп этиб юзига ўрлиди...
— Келишди, келишди, — хонимларини чапак чалиб кўтиб
олишди меҳмонлар.
— Бугун ҳаммамиз хонимни очилиб кетибдими, оғайналар!
— деди Умар аёлларга плашларини илгакка илтишга қўмак-
лашаркан.
— Ҳар киминики ўзига, лекин Дилором келин, зўрсиз... Қо-
дир моладез, сўзининг устидан чиқди. Қани келин, тўрга
ўтаверасиз энди, — илтифот қилди Шавкат найов.
Дилором меҳмонлар билан саломлашарди-ю, кўзлари эри-
ни қидирарди. Ҳажвиянинг ҳўжовлатидан ёнгинасида ик-
ки лаган буги чиқиб, паловхонларини кўтариб тиржа-
йиб турган Қодир аёлига асди у.
— Хоним, яхши бўлишларини, чарчамадиларми!
— Ие, Қодир ака, — исиз... Вой, сизга нима бўлди,
мўйловингиз қани! — Ҳиздан ўта мўйлов айлансини,
хоним. Мўйлов бугунги ба амингизнинг «қўрбони» бўлди, —
хўшхабар айтётгандек оғз қулоғига етди Қодирнинг.
— Ана шунақа, Қодиржон мўйловига ош пишадиган йигит-
лардан, келин, — гап қотди Қодирнинг чех бошлиғи Қозим
Набиевич.
Қуноқ қаҳқаҳадан деразалар зириллаб кетди.
Муҳаббат ҲАМИДОВА.

Келинг, бир кулишайлик

Араб хандалари

ЭРКАКЛАРНИНГ ТАБИАТИ

Йигит қизга деди:
— Ростингни айт, сендан
биринчи бўлиб бўса олаёт-
ган йигит менман-а, тўғрими?
Қиз уялбигина бундай деди:
— Эркакларнинг табияти
ақойиб-а! Ҳамма эркаклар
ҳам шу саволини беришади...
Хотиржам бўл, мендан бўса
олганларнинг биринчиси сен-
сан, албатта.

ЭРКАКЛАРНИНГ ТАБИАТИ

Қиз ноз билан йигитга де-
ди:
— Мени севасанми?
Йигит ҳовлиқди:
— Ҳа, жонгинам, шак-шуб-
ҳасиз...
Қиз: Бўлмаса, айт-чи! Сен
севганимиз йўлида ўлимга ҳам
тайёрмисан!
Йигит: Йўқ, чунки менинг
севгим ўлмайдиған севги.

АХМОҚЛИГИМ

Эр хотинига деди:
— Азизим, ҳэйтиб бўл, унақа
аҳмоқ бўлма!
Хотин: Турмуш қуришимиз
иккимизни бир киши қилиб
қўймадимми-а?
Эр: Ҳа, шундай!
Хотин: Унда нега мен бир
ўзим аҳмоқ бўларканман,
ахир иккимиз аҳмоқ бўла-
миз-а!

УЙЛАНГАН КУНИМ

Хотин: Ҳай, сен мунчаям
кўрқоксан? Ҳэтингда сен

кўрқмаган бирор кун бўл-
гани биласанми ўзинг?
Эр: Ҳа, биланам, ҳанузгача
ҳаммаси эсимда.
Хотин: Қачон эди у?
Эр: Сенга уйланган куним.

ОҶСН

Эр ва хотинга рақс кеча-
ларидан бирига таклифнома
келди, шунда хотин эрига
деди:
— Азизим, биз рақс кеча-
сига ўзимизни танитмасдан
борсак, нима дейсан!.. Мен
ўзини танитмаслик учун ни-
малар қилсам экан-а?
— Бу жуда осон, жонгинам,
бошингга қийиб олган пари-
гингни олиб ташла, кўзингга
сурма, юзингга ула, лабинг-
га қизил суртма. Менга хоҳ
ишон, хоҳ ишонма, сени ҳеч
ким таний олмайди...
Эр: Гузаллиги нимада!
Муҳбир машҳур бир адиб-
га савол берди:
— Аёлдаги энг гузал нар-
са нима?
Адиб жавоб берди:
— Ҳеч шубҳасиз, унинг
лаблари-да!
Муҳбир яна сўради:
— Қанақаси яхшироқ: юп-
қасими, ё қалинини?
Адиб қилиб жавоб берди:
— Энг муҳими, кўп очил-
май, юмиллиб тургани яхши-
роқ!

ГУЗАЛЛИГИ НИМАДА!

Муҳбир машҳур бир адиб-
га савол берди:
— Аёлдаги энг гузал нар-
са нима?
Адиб жавоб берди:
— Ҳеч шубҳасиз, унинг
лаблари-да!
Муҳбир яна сўради:
— Қанақаси яхшироқ: юп-
қасими, ё қалинини?
Адиб қилиб жавоб берди:
— Энг муҳими, кўп очил-
май, юмиллиб тургани яхши-
роқ!

АРАБЧАДАН

Абдуяриим ШОҶИДОВ
таржимаси.

Эркаклар қўнғидаги гап

Азиз аёлларимиз! Сизлар газетамизнинг
сўнги сатрларини ўқиганган шу айёмда ҳам-
мангизни — мунис онахонларимизни, дилбар
опа-сингилларимизни, ширин-шакар қизалоқ-
ларни Халқаро хотин-қизлар байрами —
8 Март билан чин дилдан табриклаймиз.
Сиҳат-саломат бўлинглар, ҳэтингиз баҳор-
дай гузал бўлсин!
«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ
ТОШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ РЕДАКЦИЯСИ
КОЛЛЕКТИВИ.

Нима? Қачон? Қаерда?

7—13 МАРТ

БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

Муҳиддин Қорӣқубов но-
мидаги Ўзбек давлат концерт-
филармония бирлашмаси ҳам
8 Март муносабати билан бай-
рам концертини ўтказишга
тараддууд қўрди. Ижодий кол-
лективнинг «Шодлик» ашула
ва рақс ансамбли байрам эга-
ларини маънун этади. Бу кон-
церт В. И. Ленин номидаги
СССР халқлари дўстлиги са-
роида 7 ва 8 март кўнлари
соат 19 дан 30 минут ўтганда
бошланади. Унда Ўзбекистон
ССР халқ артисти Қизлархон
Дўстмуҳамедова, Ўзбекистон
ССРда хизмат кўрсатган ар-
тист Нарзиддин Шерматов,
санъаткорлардан Нуриддин
Ҳайдаров, Бахтиёр Холқўжа-
ев, Дилором Қўмонова ва
бошқалар қатнашадилар. Кон-
цертини Ўткир Сиддиқов олиб
боради.

САНЪАТКОР ИЖОДИ

Ўзбекистон ССРда хизмат
кўрсатган артист Светлана Пар-
кова Алишер Навоий номи-
даги Ўзбек давлат катта ака-
демик холера ва балет теат-
рида ўзбек кўнлардан бери
меҳнат қилиб келмоқда. Ис-
теъодли концертмейстер те-
атр сахнасида номойиш эти-
лаётган қўнғина асарларнинг
музыкасини ижро этишга му-
носиб ҳисса қўймоқда.
Ўзбекистон ССР Театр ар-
боблари союзи бу санъаткор-
нинг ижодий кечасини ўтқа-
зишга ҳозирлик қўрди. Бу
тадбир 11 март кўни актёрлар
уйида ўтказилди. Унда санъ-
аткор ижросида жаҳон ва
рус ҳамда ўзбек бастакорла-
рининг асарларидан намуна-
лар тингланган.

МАДАНИЙ ТАДБИРЛАР

Октябр районидagi Али-
шер Навоий номидаги мада-
ний уйи коллективи хотин-
қизларнинг Халқаро байрами
— 8 Март арафасида ва бай-
рам кўнларида маҳаллалар-
да, муассасаларда, корхона-
ларда бир қатор тадбирлар
ўтказишга тайёргарлик қўрди.
Маданият уйининг бадний
хаваскорлик коллективлари—
«Дилрабо» ва «Феруз» ан-
самблири Гўлобод массиви-
да ва Гўлобод маҳалласида
маҳоратини номойиш қилди.
Бундан ташқари Янгибод
маҳалласида хотин-қизларнинг
тантанали кечаси ўзига хос
файли бўлиши кутилмоқда.
Бу маросимга Ўзбекистон
ССР халқ артисти Берта Ди-
видова таклиф қилинган. Мо-
дир санъаткор бу даврда ўзи
севиб қўлайдиган «Муно-
жотини» ижро этади.

«МОСКВА»

Байрам кўнлари пойтахти-
миз меҳмонхоналарида ҳам
турли шаҳарлардан келган ту-
ристарни учратиш мумкин.
Алишер Навоий номидаги
маданият уйи турист аёллар
учун алоҳида маданий тадбир
ўтказди. Меҳмонлар байрам
кўни ўзбек миллий санъати
билан яқиндан ошно бўлади-
лар.

МУШОВОЗ ХОНАНДА

Тожикистон ССР халқ арти-
сти Жўрабек Набиев серқуёш
диёрида кўп марта меҳмон
бўлган. Айниқса, республи-
камизда ўтказилган Тожи-
кистон ССР адабиёти санъати
ун кўнликларидида ўзининг
жўшқин қўшқилари билан то-
мошабинлар олқисига сезо-
вор бўлган. Таниқли санъат-
кор 7, 8, 9 март кўнлари Тош-
кент давлат цирки биносидида
пойтахтимиз томошабинлари
хизматида бўлади.

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

«Еш гвардия» театри кол-
лективи янги сахна асарини
тайёрлади. Ёзувчи Николай
Эрдманнинг асари асоси-
да ишланган спектаклида
Улуғ Октябрь революция-
сидан кейин — НЭП (янги ик-
тисодий сисбат) даврида юз
берган воқеалар ҳақида ҳи-
қоя қилинади. Асардаги бош
роллари Ўзбекистон ССР
халқ артисти Тўйчи Орипов,
республикада хизмат кўрсат-
ган артистлар Обид Юнусов,
Гулчехра Жамилова, Тўти
Ўсупова, артистлар Эркин
Комиллов, Хонжақбар Нурма-
тов, Римма Аҳмедова, Фарҳод
Аминов ва бошқалар ижро эт-
моқдалар. Янги сахна асари 10
март кўни соат 19.00 да бири-
чи бор номойиш этилади.

АННА ВЕСКИ

Эстония ССРда хизмат кўр-
сатган артист Анна Вески пой-
тахтимизга меҳмон бўлиб кел-
ди. Бу санъаткор 1980 йилда
Сопотда бўлиб ўтган Халқаро
конкурсда қатнашиб катта
саврин соҳибаси бўлган. У
Чехословакия, Вьетнам, Мон-
голия, Лаос, Филиппин, Таи-
ланд сингари мамлакатлар-
да гастроль сафарларидан кўп
олқишлар олиб қайтган.
Қардош ўлканинг моҳир
қўшқисчи Анна Вески «Нэмо»
ансамбли жўрлигида ўзбек
томошабинларини эстон санъ-
ати билан таништиради. Эстон
санъаткорлари В. И. Ленин но-
мидаги ССР халқлари дўст-
лиги саройида 12, 13 март
кўнлари соат 12, 16 ва 19 дан
30 минут ўтганда концерт бе-
редилар.

А. ПУЛАТОВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



НАВОИЙ НОМИДАГИ Ҳ3-
БЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТ-
ТА ТЕАТРИДА — 8/III да Олов-
ли фаришта,
МУКМИЙ НОМИДАГИ Ҳ3-
БЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕ-
АТРИДА — 7/III да Музикали
комедиялардан сахналар, 8/III
да Музикали комедиялардан
сахналар.

**ҲЎРМАТЛИ
КИНО-
ТОМОШАБИНЛАР!**
8 МАРТ СОАТ 18.00-ДА
М. ШАЙХЗОДА НОМЛИ
КИНОТЕАТРДА
Халқаро Хотин-қизлар
кунига бағишланган
«КУЛГИ КЕЧАСИ»
УТКАЗИЛАДИ
ПРОГРАММАДА: Ю. Га-
гарин номид маданият Са-
ройининг «УМИД» ансамбли
иштирок этади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕИИ

(Пролетар кўчаси, 16-уй)
томошабинлар учун ҳар
кўни (сешанбадан ташқа-
ри) — соат 10.30 дан
18.00 гача;
душанба кўни — соат
10.30 дан 15.00 гача очик.
Касса музей ёпили-
шидан бир соат олдин
ёпилади.
Справкалар учун теле-
фон: 32-73-45.

БЎШ ПИША ИДИШЛАРНИ ТОПШИРИНГ

Сметана, қатик, ўсимлик
жуйи, шербат ёки минерал
сув, «ПЕПСИ-КОЛА», ли-
монад, маринадланган саба-
зот ва мевалар, компот ис-
теъмолад қилинмайдиган би-
рорта ҳам онла топилмас
керак.
Шу сабабли қўнғина ўзи-
миз сезмаган ҳолда ошхона-
да ва шакафларда жуда кўп
ортиқча пиша идишлар тў-
планиб қолади. Ваъзиди улар-
ни ташлаб ҳам юборамиз.
Вахоналани бу идишларни са-
ноатда яна ишлатиш мум-
кин.

АЗИЗ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

ШАХРИМЗИДАГИ БА-
РАҚА ҚАВУЛ ПУНКТЛАР
ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГА-
ЗИНЛАРИ:
0,5 литр сизимли ва 0,33
литр сизимли ичимликлар-
дан ҳамда сут-қатик махсу-
лотларидан бўшган турли
ПИША ИДИШЛАРНИ
чекланмаган миқдорда
ҚАВУЛ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар Совети
ижроия комитетининг Савдо
бош бошқармаси.
«Союзторгсина» Бу-
тунигитфой бирлашмасининг
Ўзбекистон агентлиги.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР
ПРОКАТИ ИДОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР АР
СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ
КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРЛАРИДА
ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ — 8 МАРТГА А
БАҒИШЛАБ

Фильмлар тематик намойишини ўтказди (и ХУҶЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР: «ИСКРА» КИНОТЕАТРИДА:

7-9 марта — Маликалар ролли ўйнамаганман.
«ФЕСТИВАЛЬ» КИНОТЕАТРИДА
7-9 марта — Халифа Тимованин сир.
«ЯНГИВОД» КИНОТЕАТРИДА
7-9 марта — Тамарахоним.
«МИР» КИНОТЕАТРИДА
7—9 марта — Хайри тоғ, одамлар!
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ КИНОТЕАТРДА
7-9 марта — Марьям опа.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: «МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА

7-8 марта — Ёлғиз дёт танишгани хоҳлайди.
ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
7-8 марта — Кечир.
«ВЛКСМ 30 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА
7-8 марта — Ёлғиз хмель.
ТОШСОВЕТ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА ДА
7-8 марта — Биз шодимиз, бахтиёримиз, талантдиларлар-
миз.

Пазандалар хизматингизда

Эртага — 8 Март. Шу кўни барча аёлларимиз чи чи-
ройли, дилбар, жозибали бўлишни исташди.
Агар сиз пардоз-андозта ҳам улгурай, шу билан биргирга
байрам дастурхони учун ҳамма нарсани ўз вақтида таъ тай-
рлай десангиз, зарур маҳсулотларни САВДО-КУРГАЗМАЛА-
РАДАН олдиндан харид қилинг, Савдо-курғазмаларда
сизга турли қандолатчилик маҳсулотларини, бағишларни,
гўшт, сабзавот масаллиқларини, чанқовбосди ичимликларлар-
ни тавсия этишди.

САВДО-КУРГАЗМАЛАР ҚУНИДАГИ АДРЕСЛАРДА ЖОЙЛАШАН:

Пушқин кўчаси бўйлаб, «Болалар дунёси» магазинини
олдида:
«Семург» кафеси олдида, метронинг Ҳамид Олимжон
станциясида:
М. Горький майдонидида «Семейное» кафеси олдида:
Луначарский шоссесидида «Савҳат» туристик комплек-
си олдида:
Луначарский марказидида бозорга кираверишда.
САВДО-КУРГАЗМАЛАР СОАТ 10 ДАН 18 ГАЧА
ИШЛАЙДИ.
ҚУБИШЕВ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИТИ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилла-
рида мустиқли равишда
нашр этилади.



«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбе-
кистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нарийнэтининг Меҳнат Қи-
зил Вайроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.



РЕДАКЦИЯ
АДРЕСИ:
700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.



ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет кури-ури-
лиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 32-08-74, 32-57-84; 84;
шаҳар ҳўжалиги, савдо ва меҳнатий хизмат — 32-55-39, напйтал қўнғини — 32-58-85; 85;
фан ва унуту юлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, зарби-ватанларнинг тар-тар-
бияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 32-28-95; хатлар ва оммавий ишларлар
— 32-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцииси — 32-99-42, 32-53-66; 66;
«Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 32-81-42.